

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИДА МАМЛАКАТ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ: НОСИРДАН СИСИГАЧА

Ёдгоров Шербек Мейлижонович,

Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси

For citation: Sherbek M. Yodgorov. The role of the armed forces in the socio-political history of the Arab Republic of Egypt: from Nasser to Sisi. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 11, pp. 93-112.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-11-11>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Миср Араб Республикасининг энг янги давр тарихига, аниқроғи мамлакат 1952 йилнинг 23 июлида ҳарбийлар томонидан амалга оширилган инқилобдан то амалдаги президент Абдулфаттоҳ ас-Сиси даврига қадар давом этган ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихининг илмий таҳлилига бағишланади. Тадқиқот асносида асосий эътибор Миср замонавий тарихида қуролли кучларнинг тутган ўрни ва аҳамиятига бағишланган бўлиб, ҳарбийликдан чиққан давлат раҳбарлари – Жамол Абдул Носир, Анвар Садат, Муҳаммад Ҳусни Муборак, Абдулфаттоҳ ас-Сисининг президентлик даврида армиянинг мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётига таъсири ўрганилиб чиқилди.

Калит сўзлар: Яқин Шарқ, қуролли кучлар, исломпарастлар, “Муслмон биродарлар”, “Вафд”, “Озод зобитлар”, Араб-Исроил, ҳокимият, Сувайш канали.

РОЛЬ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ В СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ АРАБСКОЙ РЕСПУБЛИКИ ЕГИПЕТ: ОТ НАСЕРА ДО СИСИ

Ёдгоров Шербек Мейлижонович,
Преподаватель Ташкентского государственного института
востоковедения

АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена истории недавнего периода Арабской Республики Египет, в частности научному анализу истории социально-политических процессов, которые страна пережила начиная с военного переворота 23 июля 1952 года, до периода нынешнего президента Абдулфаттах ас-Сиси. В исследовании особое внимание уделено на роли и важности вооруженных сил в современной истории Египта, а также влияние армии на социальную, экономическую и политическую жизнь страны во время президентства таких военачальников, как Гамалья Абдель Насера, Анвара Садата, Мухаммеда Хосни Мубарака и Абдулфаттаха ас-Сиси.

Ключевые слова: Ближний Восток, вооруженные силы, исламисты, “Братья-мусульмане”, “Вафд”, “Свободные офицеры”, власть, Суэцкий канал.

THE ROLE OF THE ARMED FORCES IN THE SOCIO- POLITICAL HISTORY OF THE ARAB REPUBLIC OF EGYPT: FROM NASSER TO SISI

Sherbek M. Yodgorov,
The teacher of Tashkent state institute of oriental studies

ANNOTATION

This article is devoted to the history of the recent period of the Arab Republic of Egypt, in particular to a scientific analysis of the history of socio-political processes that the country experienced from the military coup on July 23, 1952, until the period of the current president Abdulfattah al-Sisi. The study focuses on the role and importance of the armed forces in the modern history of Egypt, as well as the influence of the army on the social, economic and political life of the country during the presidency of

such military leaders as Jamal Abdul Nasser, Anwar Sadat, Muhammad Husni Mubarak and Abdulfattah al-Sisi.

Key words: Middle East, armed forces, Islamists, “Muslim Brotherhood”, “Wafd”, “Free Officers”, power, Suez Canal.

Яқин Шарқ минтақаси дунё сиёсий харитасида мураккаб геосиёсий ҳудудларидан бири бўлиб қолмоқда. Муайян тарихий жараёнлар ва шарт-шароитлар тўғонида юзага келган Араб-Исроил можароси ҳамда минтақада 2011 йилдан буён давом этиб келаётган низолар минтақавийлик хусусиятини йўқотиб, глобал миқёсдаги муаммоларга айланиб улгурди. Яқин Шарқ араб давлатларида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, давлатнинг яхлитлиги, осойишталиги ва барқарорлигини сақлашда ҳамда унинг суверенитетини мудофаа қилишда қуролли кучлар алоҳида ўрин тутди. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари муайян моҳиятга эга. Шунингдек, ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари бор” [1,Б.424].

Тарихан Яқин Шарқ минтақасида давлат бошқарув тизими ва сиёсий ҳокимиятида ҳарбийларнинг аҳамияти ва роли ҳал қилувчи хусусият касб этиб келган. Дунёнинг бошқа минтақалари билан қиёслаб ўрганилганда ҳам Яқин Шарқда қуролли кучларнинг роли жуда юқори эканлиги кўринади. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади, зеро ҳарбийлар омили минтақа мамлакатларининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади.

Яқин Шарқ минтақасида Араб-Исроил[2] қарама-қаршилигидаги босимнинг кучайиши, минтақада радикал исломий кайфиятнинг ортиб бориши жамиятда илдиз отган авторитар тузумни ўзгартиришга қодир туб демократик ислохотларни амалга оширишни янада мураккаблаштирди. Шу сабабдан минтақа давлатларида армия ва давлат хавфсизлик хизматлари ички сиёсий жараёнларнинг ривожланишини назорат қилишни давом эттирмоқда ва улар мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаб туриш учун жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг муҳим бўлагига айланганлар.

Қуролли кучлар ҳақида гап кетар экан, уларнинг аҳамияти ёлғиз Яқин Шарқ давлатлари тақдири билан боғлиқ бўлиб қолмай, кенг кўламдаги бутун жаҳонда хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига боғланиб кетади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Миср Араб Республикасининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида армиянинг ўрни ва роли, мил-

лий қуролли кучларнинг модернизация жараёнлари ҳамда уларнинг мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатига таъсир даражасини ўрганиш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Ўзбекистонга келган Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан бўлган мулоқотда “Биз Мисрни қадимий цивилизация бешиги, бой ва юксак салоҳиятга эга мамлакат деб биламиз”[3], дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, бугунги кунда Миср Араб Республикаси (МАР) нафақат Яқин Шарқ ва Ўртаер денгизи минтақасида, балки халқаро майдонда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатувчи араб ҳамда мусулмон дунёсининг нуфузли давлатларидан биридир.

Яқин Шарқ араб давлатларида бўлгани каби Мисрда ҳам қуролли кучлар ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари ҳамда ҳарбийларнинг мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатига таъсир даражасини тарихан чуқурроқ тадқиқ этиш ушбу мамлакатнинг бугунги сиёсий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақида батафсил тушунчага эга бўлишимизга ёрдам беради.

Мисрда XX асрнинг 50-йиллари бошида юзага келган вазият ҳарбийнинг сиёсий саҳнага чиқиши ва мамлакатда етакчи кучга айланишига туртки берди. Зеро, ўша пайтда Мисрдаги миллий-озодлик ҳаракатида мустабид тузумни афдариб ташлаш учун курашга шайланган обрў-эътиборли сиёсий раҳбарлар йўқ эди. Монархияни афдаришга тайёр, таваккалчиликка қўл ура оладиган етакчи куч керак эди. Мисрда мавжуд бўлган сиёсий партия ва ташкилотлар ўзаро уюшмагани, бўш ташкилотчилиги, омма орасида етарли нуфузга эга эмаслиги ҳамда тарқоқлиги туфайли миллий-озодлик ҳаракатларига раҳбарлик қила олмади. Шундай вазиятда ҳал қилувчи сўзни ҳарбийлар айтдилар. Шу ўринда шарқшунос тарихчи олим В.Аҳмедовнинг қуйидаги фикрларини эслаб ўтиш жоиз: “Айтиш мумкинки, Яқин Шарқ араб давлатларида ҳарбийларнинг ҳокимиятга келиши, аслида, жамиятда бошқа реал ижтимоий ва сиёсий кучнинг амалда йўқлиги ёки ички сиёсий ва ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайган босқичида мавжуд ҳукмрон гуруҳларнинг ижтимоий раҳнамолик қила олмагани натижасидир. Армиянинг ички муаммоларни ҳал этишга жалб қилиниши ҳарбийларнинг ҳокимият атрофидаги машмашаларга чуқурроқ ара-лашишига олиб келди”[4]. В.Аҳмедов фикрларига ҳамоҳанг тарзда В.Юрченко шундай дейди: “Ҳарбийларда нафақат миллий кайфият шаклланган эди, балки ҳукумат аҳоли намойишларини бостиришда ҳарбийлардан асосий қурол сифатида фойдаланиши натижасида улар

сиёсий воқеаларда тўғридан-тўғри алоқадор ва фаол иштирокчига айлангандилар. Мана шу сабаб офицерлар ўзларининг ҳақиқий куч ва имкониятларини баҳолай олдилар ва бундан самарали фойдаландилар” [5, Б.7-8].

Ниҳоятда кескин, мураккаб ички сиёсий кураш шароитида тараққийпарварлик кайфиятидаги “Озод зобитлар” [6] ташкилотига аъзо зобитлар гуруҳи 1952 йил 23 июль кечасида Жамол Абдул Носир томонидан ишлаб чиқилган режа асосида инқилобий тўнтаришни содир этди. Е.Примаков ушбу тарихий воқеа ҳақида тўхталаркан, муҳим бир маълумотни қайд этиб ўтади: “Даставвал, армия қироллик тузумини ағдариб ташлаш билангина кифояланди. Унда давлатни бошқариш тажрибаси ва хоҳиши йўқ эди. 1952 йил 23 июль кечасида “Озод зобитлар” ҳокимиятга қироллик тузуми ҳузуридаги сиёсий кучлардан бири бўлган “Вафд” партиясини қайтаришни истадилар. “Вафд”нинг бош секретари Фуад Сирожиддин олдига полковник Аҳмад Анвар юборилиб, “Вафд”га қирол ҳокимияти ўрнини эгаллаш таклиф қилинди. “Вафд” бу таклифга рад жавобини бериб, “Озод зобитлар” билан ҳамкорлик ўрнатишни истамади. Мана шу жабҳада “Вафд”нинг оддий халқдан қўрқиши айниқса, Сувайш канали атрофида қуролли жанг бошланган мураккаб шароитда янада яққол намоён бўлди. “Вафд” етакчилари қирол Форуқни тахтдан ағдариш, Англия билан муҳолифатда бўлишни истамасдилар” [7]. Шу тариқа, мамлакат тақдирига жавобгарлик армия қўлига ўтди.

1952 йил июль инқилобидан сўнг, Мисрда энг уюшган, тартиб-интизомли куч сифатида армия тарих саҳнасига чиқди ва мавжуд режим устунларидан бирига айланди. Армия ички сиёсий қайта қуриш ишларида ва мамлакат ташқи сиёсатининг тубдан ўзгаришида асосий ролни бажариб, Мисрнинг XX асрнинг 50-йиллари ва 60-йилларининг ўрталарида араб дунёсининг етакчи давлати бўлиб тан олиншида бош омил бўлди. Миср ҳарбийлари ва уларнинг сардори Жамол Абдул Носир араб давлатларида айниқса, инқилобий кайфиятдаги ёш ҳарбийлар орасида асосий тақлид қиладиган шахсга айландилар. Шу тариқа, мамлакат тақдирига жавобгарлик армия қўлига ўтди. Инқилоб бўлиб ўтган кундан бошлаб то ҳозирга қадар армия Миср сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи унсурга айланди.

1952 йил 26 июлда қирол Форуқ тахтдан четлатилгач, давлат бошлиғи сифатида Инқилоб Раҳбарияти Кенгаши майдонга келди. Бу Кенгашни Миср армиясининг олий бош қўмондони генерал Муҳаммад Нажиб бошқарди. Аслида эса Кенгаш раҳбарлиги ишини Жамол Абдул Носир амалга оширарди. 1953 йил 18 июнда Миср республика

деб эълон қилинди. Унинг биринчи президенти этиб генерал Муҳаммад Нажиб сайланди.

1953 йил ўрталаридан бошлаб Инқилоб Раҳбарияти Кенгаши ичида Муҳаммад Нажиб бошчилигидаги либерал-буржуа тарафдорлари бўлган ва инқилобни яқунланган деб ҳисоблайдиган офицерлар ҳамда Жамол Абдул Носир бошчилигидаги инқилобий-демократик кайфиятдаги инқилобни давом эттириш лозим деб ҳисоблайдиган офицерлар ўртасида кескин кураш бошланди. Ушбу курашга Июль инқилобини дастлабки даврида қўллаб-қувватлаган “Мусулмон биродарлар” [8] уюшмасига аъзо исломпарастлар ҳам қўшилиб, улар Жамол Абдул Носирнинг ислом давлатини қуришни ва исломпарастлар билан ҳокимиятни бўлишиб бошқаришни истамаслигини кўриб, ундан юз ўгирдилар. Бу ҳолат исломпарастлар билан Жамол Абдул Носир ҳукумати ўртасидаги низога сабаб бўлиб, унинг авжига чиқиши 1954 йил октябрида Жамол Абдул Носирга нисбатан уюштирилган суиқасдда намоён бўлди. Тергов-суриштирув натижасида Муҳаммад Нажиб ва “Мусулмон биродарлар” ўртасидаги алоқа фош бўлди ва у барча лавозимлардан озод этилди [9, Б.110-112].

Шундан сўнг, Носир ҳукуматининг “Мусулмон биродарлар” ташкилоти билан кураши узоқ йиллар давом этди. Шарқшунос олим Ш.Ёвқочев бу курашда Жамол Абдул Носир ҳукумати ўзига хос йўл тутганлигини алоҳида қайд этади: “Жамол Абдул Носир араб дунёсида ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва бир пайтнинг ўзида “Мусулмон биродарлар” ҳаракатини заифлаштириш мақсадида мисрлик миллатчилик доирасини умумараб даражасигача кенгайтирди ва буни ягона араб-исломий мерос деб асослади.... Лекин ҳокимиятнинг “исломчилар” уюшмасига қарши кураш олиб боришига қарамай, ташкилотни тугатишга қурби етмади” [10].

Жамол Абдул Носир даврида [11] қуроли кучлар мамлакатни тўлатўкис ўз таъсири остига олди. Миср тадқиқотчиси Анвар Абдул Малик Жамол Абдул Носир давридаги Мисрга “ҳарбий жамият” дея таъриф берган эди. Зеро, унинг даврида амалда барча раҳбарлик ўринлари: провинция губернаторлари, дипломатик миссияларнинг раҳбарлигини армия ва полиция вакиллари эгаллаган эди [12]. Узоқ йиллар давомида халқ оммаси томонидан Жамол Абдул Носирни қўллаб-қувватланиши Мисрда ҳокимият ўзгармаслигининг бош омили бўлди. Носир президентлигида вазир лавозимини эгаллаган офицерларнинг сони 32 фоиздан 65 фоизгача етди [13]. 1962-1967 йилларда сиёсий лавозимларда фаолият кўрсатган 65 арбобдан 27 нафари офицерлар эди. Муҳим вазирликлар офицерлар назоратига ўтди. Офицерлар кўплаб

ҳарбий бўлмаган соҳаларда ҳам — сиёсатшунослик, ҳуқуқ ва тиббиётда турли унвон ва даражаларга эришдилар [14]. Узоқ йиллар давомида халқ оммаси томонидан Жамол Абдул Носирни қўллаб-қувватланиши Мисрда ҳокимият ўзгармаслигининг бош омили бўлди.

1967 йилда Араб-Исроил ўртасида “Олти кунлик уруш”да араб мамлакатлари қақшатқич мғлубиятга учрадилар. Исроил кўшини Синай яриморolini эгаллаб, Сувайш каналининг шарқий қирғоғи томон кириб борди. Ҳарбий мағлубият Мисрда ички сиёсий вазиятни янада чигаллаштирди. Баъзи ҳарбий амалдорлар йирик бизнес вакилларига қўшилиб Жамол Абдул Носир ҳукуматини ағдармоқчи ҳам бўлдилар, бироқ ҳукумат мисрликлар қўллаб-қувватлаши билан сақлаб қолинди. Август-сентябр ойларида фитна фош этилди, фитна ортида Мисрнинг вице-президенти маршал Амер турганлиги маълум бўлди. Бу вақтга келиб Мисрда давлат хавфсизлиги ҳарбий жосуслик ва Амер аппаратидан иборат иккинчи ҳокимият маркази вужудга келганди. Натижада армияни Амер тарафдорларидан тозалаш чоғида юзлаб офицерлар ҳибсга олинди, маршал Амер эса ўз жонига қасд қилди. Жамол Абдул Носир барча мансабдор армия раҳбарларини ўз лавозимидан озод қилди.

Кўплаб зобитлар Жамол Абдул Носир томонидан ўтказилган ижтимоий ислоҳотларни маъқулламадилар. 1967 йилги суронли воқеалардан кейин армия вақтинча Миср сиёсий ҳаётидаги фаол ролини йўқотгандай бўлди. Лекин шунда ҳам ҳарбийлар миллий хавфсизлик масалалари ҳамда мудофа секторига ажратиладиган сармоялар ҳажми ва устувор йўналишларни белгилашда таъсир кучини сақлаб қолдилар.

1970 йил 28 сентябрда кўққисдан вафот этган Жамол Абдул Носир ўрнини Анвар Садат [15] эгаллади. Жамол Абдул Носирнинг яқин маслакдоши бўлган Анвар Садат мамлакатни Носирдан кейин ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатда бутунлай бошқа ракурсга буриб юборди. Айнан Анвар Садат Жамол Абдул Носир билан бир вақтда “Озод зобитлар” сафида бир мақсад йўлида ҳаракат бошлаганди. Аслида у Жамол Абдул Носирдан кейин унинг сиёсати ва ишларини давом эттириши лозим эди [16, Б.127]. Бироқ Анвар Садат ўз йўналишини Мисрни Носир сиёсатидан четлатишга қаратди. У 1971 йилнинг май ойида вице-президент Али Сабрий бошчилигидаги носирчилар гуруҳини ҳокимиятдан четлатишга муваффақ бўлди.

1971 йилнинг ёзида Анвар Садат “Мусулмон биродарлар” билан алоқа ўрнатди ва ташкилот асосчиси Ҳасан ал-Банна билан фахрланишини, “атеизм ва коммунизмга қарши курашиш умумий мақсад” эканлигини билдирди [17]. У сўлчилар, коммунистлар ва носирчи-

ларга қарши курашда “Мусулмон биродарлар”га таянди. Ҳукумат армияни исломлаштиришга алоҳида эътиборни қаратди.

Анвар Садатнинг армияга нисбатан сиёсати қуролли кучларнинг умумий қўллаб-қувватлаши асосида шаклланди. Генералларнинг кўпчилик қисми билан президент сиёсати билвосита бўлса-да, келишиб амалга оширилди. 1967 йилдаги Араб-Исроил урушидан кейин ҳарбийларнинг жамиятдаги роли бирмунча пасайган бўлса, Миср армиясининг 1973 йилдаги тўртинчи Араб-Исроил тўқнашувларида [18,Б.120] қўлга киритган ғалабалари ҳарбийларнинг ҳокимиятдаги мавқеларини мустаҳкамлади, улар яна Миср сиёсий ҳаётида катта таъсирга эга бўлдилар. Ҳарбий нуқтаи назардан Миср армияси “Октябрь уруши”да ғолиб бўлган эмас. Лекин ушбу омил Анвар Садатни баъзи бир ҳудудларни Исроилдан тортиб ололган биринчи араб йўлбошчиси, дея эътироф этмаслигимизга асос бўла олмайди. Бу уруш миллий ғурурни сақлаб қолди ва Анвар Садат обрўсини оширди. Анвар Садат бу урушни ғалаба уруши деб аташи учун сиёсий муваффақиятлар етарли эди.

1974 йилдан эътиборан Анвар Садат Собиқ Иттифоқ билан бўлган алоқалардан юз ўгира бошлади ва АҚШ билан дипломатик муносабатларни қайта тиклади. 1977 йил 20 ноябрда Анвар Садатнинг Қуддусга ташрифи чоғида бу шаҳарни “тинчлик шаҳри, уч диннинг биргаликда мавжудлигининг яққол рамзи” деб таъкидлаши ҳамда Исроил билан ўрнатилган тинчлик шартномаси диний мухолифат томонидан муросасиз равишда исломга хиёнат ва араблар ишига нисбатан сотқинлик дея баҳоланди. Устига-устак 1978 йил ёзида қўмондонликнинг юқори ва ўрта бўғини ҳарбийлари орасида ҳам Исроил билан тинчлик йўлини танлаш туфайли қуролли кучларнинг мамлакат ҳаётидаги ролининг камайиши билан боғлиқ норозилик кайфияти тарқала бошлади. 1978-1980-йилларда Миср-Исроил тинчлик шартномаси имзоланишидан норози бўлган юзлаб генерал ва офицерлар хизмат лавозимидан бўшатилади. 1981 йилга келиб президентлик, бош вазир, қуролли кучлар олий бош қўмондони, полиция бошлиғи, Адлия вазири ваколатлари Анвар Садат қўлида жамланди ҳамда ҳарбий ва миллий хавфсизлик раҳбари бўлиб олди.

Мамлакат раҳбари ва ҳарбийлар ўртасидаги келишмовчиликлардан мухолифат куч, яъни исломпарастлар усталик билан фойдаланиб қолди. Ислампарастлар “Кэмп-Дэвид” шартномасидан сўнг Анвар Садатни исломга хиёнати учун ўлимга лойиқ деб топишган эди. Кейинги содир бўлган воқеалар армиянинг ўзидан ҳам кўра унда илдиз отган ислом фундаменталистларининг махфий ташкилотлари ҳоки-

мият учун ниҳоятда хавфли тус олиб борганлигини кўрсатади. Бу махфий ташкилотлар ўз сафларига ҳарбий хизматчиларни қўшиб олишди, қурол-яроқ заҳираларини жамғариб боришди. Шунингдек, уларнинг ихтиёрида катта миқдордаги молиявий маблағлар ҳам бор эди. Фақатгина режани амалга ошириш учун қулай вақт келиши кутилаётган эди. 1981 йил 6 октябрда ҳарбий парадда иштирок этаётган Анвар Садат ҳарбий хизматчилардан бўлган “ал-Жиход” аъзолари уюштирган суиқасд натижасида ҳалок бўлди. Суиқасднинг ташкилотчи ва раҳбари “ал-Жиход” гуруҳининг бошлиғи Муҳаммад Абдуссалом эди [19]. Бироқ, экстремистларнинг давлат раҳбари ўлимидан фойдаланиб, ҳокимиятни эгаллаш мақсадида ҳукуматга қарши оммавий қуролли намоёиш ўтказиш ва сиёсий тўнтаришни амалга ошириш бўйича уринишлари қуролли кучларнинг мустаҳкам позицияда туриб, қатъий чоралар кўриши натижасида йўққа чиқарилди.

Анвар Садатга қилинган суиқасддан сўнг асли ҳарбий бўлган вице-президент Ҳусни Муборак [20] президентлик лавозимини эгаллади. Ҳокимият тепасига келган Ҳусни Муборак энг аввало мамлакатда ички барқарорликни тиклаш бўйича чоралар кўрди. Янги етакчи ишни шошилмасдан аниқ мақсад билан прагматик тарзда олиб борди. Ҳусни Муборак ҳарбийлар билан муносабатларда аввал бошданок армиянинг қўллаб-қувватлашига таянган раҳбар сифатида намоён бўлди ва айни пайтда армияни исломпарастлик унсурларидан тозалашга киришди. Бироқ, Анвар Садатдан фарқли ўлароқ “ҳарбий кийимдаги сиёсатчи” эмас, балки “фуқаролик кийимидаги ҳарбий” бўлиб намоён бўлди.

Ҳарбий амалдорларнинг анъанавий фаолияти ва қарашлари билан яхши таниш бўлган Ҳусни Муборак ўз шахсий манфаати ва таъсирини кучайтирмоқчи бўлган олий ҳарбий қўмондонликнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатларини кескин тўхтатди. У армия устидан ўз назоратини кучайтириш мақсадида Анвар Садат томонидан бошланган юқори бўғиндаги ҳарбий кадрларни доимий алмаштириб туриш амалиётини давом эттирди [21].

Ҳарбийларнинг сиёсий ҳаётга ўз-ўзидан аралашувини олдини олиш ва армияни бутунлай ҳукмрон ҳокимиятга хизмат қилувчи кучга айлантиришнинг ишончли шартларини таъминлаш мақсадида Ҳусни Муборак қуролли кучларни сиёсатдан узоқлаштириш, ҳарбий гуруҳларнинг “синфлар устидан ҳукмронлиги”ни емириб ташлаш, уларнинг мустақил ролини камайтириш чораларини босқичма-босқич амалга ошириб борди [22]. Миср қонунлари ҳарбий хизматчиларга сиёсий фаолият билан шуғулланиш ҳамда сиёсий партия ва ташки-

лотлар ишларида иштирок этишни таъқиқларди. Ҳарбийларни сиёсатдан узоқлаштириш мақсадида уларни Миср иқтисодиёти ишларига жалб қилиш амалиёти кенг қўлланилди. Ҳокимият офицер тадбиркорлик билан шуғулланса унга турли иқтисодий ва ҳуқуқий имтиёзларни тақдим қила бошлади.

Ҳусни Муборак бошқаруви даврида исломпарастларнинг асосий ҳудудлари Юқори Миср, Қоҳира, Александрияда жойлашган эди. Фундаментал ташкилотларнинг асосий қисми талабалардан, инженер, техник ишчи ва бошқа гуманитар соҳалардан йироқ бўлган касб эгалари эди. Ислонпарастларнинг фаолияти айниқса, 1990-1991-йилларда Форс кўрфази ҳудудидаги уруш, Судан ва Жазоирдаги воқеалардан сўнг янада жадаллашди. Радикал ислом гуруҳлари республиканинг турли ҳудудларида кенг кўламдаги террористик фаолиятини олиб борди. Полиция участкалари, маъмурий ва хўжалик биноларига, қишлоқ ҳудудларида қуролли босқинлар уюштирилди. 1996 йилда Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада президент Ҳусни Муборакка мисрлик исломпарастлар томонидан суиқасд уюштирилди. Чет эллик туристларга қарши серияли кўпоровчилик ҳаракатлари амалга оширилиб, бундан мақсад давлат ҳокимиятини иқтисодий ҳолатига путур етказиш эди. Муборак доимий равишда ислом фундаменталистларини йўқ қилиш операцияларига қуролли кучларни жалб қилди. Бунда армия офицерлари аъзоларидан ташкил топган давлат хавфсизлиги Олий суди алоҳида ўрин эгаллайди. У ўз ҳукмида шавқат қилиб ўтирмай, асосий жазо сифатида ўлим ва сургун жазоларини қўллади.

Ислонпарастлар эса армиянинг ҳокимият учун курашдаги ролини яхши англаган ҳолда қуролли кучларга кириб бориш ва унда ўрнашиш бўйича фаол ҳаракатларни бошладилар. Шунингдек, улар ўз тарафларига ҳарбий хизматчилар ва хавфсизлик органлари ходимларини оғдириб олишга уринар эдилар. Жумладан, исломпарастлар ташкилотининг ёш вакиллари ҳарбий ўқув юртларига ўқишга кириб, турли ҳарбий хизматчилар, айниқса, офицерлар ўртасида ташвиқот ишларини олиб бордилар. Бироқ, экстремистларларнинг нияти амалга ошмади. Кўплаб ҳарбий хизматчилар ва хавфсизлик хизмати ходимлари давлатга ва ҳукуматга содиқлигича қолди. Бунда ҳарбий контрразветканинг самарали фаолиятини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Кўплаб шу каби чора-тадбирлар натижасида радикал кайфиятдаги исломпарастлар билан курашда ижобий самарага эришилди. 1999 йилда йирик исломчи ташкилотлардан бири “Ал-Жамоа ал-исломия” Миср ҳудуди ва хорижда ўз фаолиятини тугатганлигини эълон қилди.

Бироқ Муборак даврининг сўнги ўн йиллигида мамлакатда ислом-парастлар тарафдорлари сони ошиб, ёшлар ҳисобига кенгайиб борди. Мамлакатдаги сиёсий партияларнинг заифлашиб, халқ орасида уларнинг роли пасайиши натижасида “Мусулмон биродарлар” катта куч сифатида майдонга чиқа бошлади. “Мусулмон биродарлар” ҳаракати жуда радикал мафкурага ва шубҳали алоқаларга эга бўлган яширин ташкилотдан мўътадил турдаги энг катта муҳолифатга айланди. Ташкилот сиёсий жараёнга қанчалик кўп кирган бўлса, шунчалик фаол равишда ҳукумат ва қонун талабига биноан “ўйин қоидаларига” мослашишга мажбур бўлди [23].

Ўзининг “радикал кураш методларидан чекиниши”ни кўрсатган “Мусулмон биродарлар” 2005 йил ноябр-декабр ойларида бўлиб ўтган Мисрдаги парламент сайловларида жиддий муваффақиятга эришди. “Мусулмон биродарлар”дан чиққан “мустақил номзодлар” сайловларда биринчи турдаёқ 34 та жойни эгаллашди. Сайловларнинг сўнги натижаларига кўра “Мусулмон биродарлар”нинг Миср Миллий Мажлисида 88 та ўринга эга бўлиб, мандатларнинг 20 фоизини қўлга киритди [24, Р.3]. Бу олдингига қараганда беш қарра кўп бўлиб, сайлов арафасида улар 70 та жой олишни режалаштиришган эди. Миср матбуоти сайлов натижаларини исломпарастларнинг “тарихий ютуғи” деб атади. Чунки улар мамлакат тарихида биринчи марта Миср ташқи ва ички сиёсатида тегишли масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир этиш имконига эга бўлган муҳолиф блок тузишди. Мисрда айнан 2005 йилдан бошлаб Президент Ҳусни Муборакка қарши норозилик кучая бошлайди.

Сиёсий майдонда катта муваффақиятга эришган “Мусулмон биродарлар”нинг кейинги фаолияти таҳлил қилинса, ғайриодатий ҳолга дуч келамиз. “Биродарлар” томонидан кўрсатилган 135 та “мустақил” номзодларнинг ҳеч бири 2010 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларининг иккинчи босқичида қатнашмади. Миллий демократик партия Миср парламентидаги 508 ўридан 424 тасига эга бўлди. Сайловчиларнинг тахминан 86 фоизи ҳукмрон партиёга овоз берди [25].

Янги парламент таркиби ҳукмрон режим манфаатларига тўла мос эди. Сиёсий муҳолифат гўёки зарарсизлантирилган эди. Миллий демократик партия ишончли муваффақиятга эришганидан сўнг, ҳукмрон элита муҳим қарорлар қабул қилиши керак эди. Бироқ улар муҳолифатнинг олдиндан тайёрланган сиёсий режалари қаршисида ожиз қолишди. Шарқшунос ва исломшунос олим А.А.Ҳасанов “Мусулмон биродарлар” томонидан 2010 йилги парламент сайловларининг байкот қилинишини “пухта ўйланган тактик йўл” дея изоҳлайди [26].

Парламент сайловлардан сўнг Мисрда содир бўлган сиёсий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқиб олим шундай хулосага келади.

Мисрда 2011 йил 25 январда бошланган “Араб баҳори” [27, Б.160] деб ном олган оммавий ҳаракатлар шубҳасиз мамлакат ижтимоий-сиёсий вазиятига кескин таъсир ўтказди. “Араб баҳори” бошлангунга қадар Муборак режимининг барқарорлигига ҳеч ким шубҳа қилмас эди. Ҳукмрон элита зиммасида 2011 йилда бўлиб ўтиши режалаштирилган президентлик сайловида Ҳусни Муборакни олтинчи президентлик муддатига қайта сайланишини ташкил этиш ёки ҳокимиятни унинг ўғли Жамол Муборакка ўтказишдек муҳим “вазифа” турган эди. Бироқ 18 кунлик оммавий норозилик намойишлари ҳукмрон элита мутлақо кутмаган натижаларни берди: 1 февралда Ҳусни Муборак навбатдаги президентлик сайловлари (2011 йилнинг сентябрь ойида бўлиши режалаштирилган – Ш.М.Ёдгоров)да ўз номзодини қўймаслигини маълум қилган [28] бўлса, 3 февраль куни Миср вице-президенти Умар Сулаймон Жамол Муборакнинг сайловларда қатнашмаслигини тасдиқлади [29], 11 февралда эса қарийб 30 йил мамлакатни бошқарган Ҳусни Муборак истеъфо берганлигини эълон қилди [30].

Ҳусни Муборак истеъфога чиққанидан сўнг, Миср ҳарбийлари собиқ президентга “мамлакат манфаатларини биринчи ўринга қўйгани” учун миннатдорчилик билдириб, вақтинча вазият назоратини ўз қўлига олди. Аммо армия маълум фурсатдан кейин парламент ва янги президент сайловини ўтказиши зарур эди. Ана шу пайтда “Мусулмон биродарлар” Миср сиёсий уфқида пайдо бўлди. “Араб баҳори” воқеаларидан сўнг “Мусулмон биродарлар” уюшмасига илк бор қонуний тус берилди. 2011 йил 30 апрелда “Биродарлар”нинг сиёсий қаноти сифатида “Озодлик ва Адолат” партияси тузилди [31,С.4]. 2012 йил 24 июнда бўлиб ўтган президент сайловида “Мусулмон биродарлар” вакили Муҳаммад Мурси ғолиб чиқди ва 30 июнь куни иннаугурация ўтказилди [32]. Шу тариқа исломпарастлар узоқ курашдан сўнг Миср замонавий тарихида илк бор ҳокимиятни қўлга киритдилар ва ҳарбий бўлмаган биринчи президент мамлакат тепасига келди. Тарихчи олим А.Ҳасанов исломпарастларнинг тарихий ғалабаси ва ҳарбийларнинг бунга муносабатини изоҳлар экан, Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида мамлакат қуроли кучларининг тутган ўрнига юқори баҳо беради: “Шундай фикр борки, ҳарбийлар Мурси президент сайловида ғолиб чиққан кунидек ҳокимиятни унга бермасликлари, ўз қўлларида сақлаб қолишлари мумкин эди. Аммо бу ҳолат ҳарбий тўнтариш деб қабул қилинар ва халқаро ҳамжамиятнинг бунга муносабати салбий бўлар эди” [33].

2011-2012 йилларда 4 босқичда ўтказилган парламент сайловларида ҳам “Биродарлар” муваффақият қозониб, 50% ўринга эга бўлди. Парламентнинг иккала палатасига “Биродарлар” вакиллари ал-Кататний ва Аҳмад Фахмийлар спикер этиб сайландилар. 2012 йил 30 ноябрда шариат аҳкомлари қонучиликнинг асосий манбаи эканини таъкидлаган, тўлиғича исломий мазмундаги янги конституция лойиҳаси қабул қилиниб, декабр охирида у бўйича референдум ўтказилди ҳамда кўпчиликлари норозилигига қарамай, Президент Мурси уни тасдиқлади.

Айтиш мумкинки, 2012 йил декабридан бошлаб Миср халқининг Мурси сиёсатига қарши норозилик чиқишлари тўхтовсиз давом этди. Унинг даврида Миср жиддий иқтисодий муаммоларга дуч келди: мамлакатнинг валюта захиралари ва туризмдан келадиган даромади икки баравар камайди, ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат қарзи 90 фоизга, умумий ташқи қарз 49 млрд. АҚШ долларигача ўсди, ишсизлик 13,5 фоиз (маълумот учун, Муборак даврида ишсизлик 8 фоиз атрофида бўлган – Ш.М.Ёдгоров)га етди. Ҳукуматнинг Халқаро Валюта Жамғармаси билан барқарорлаштириш кредитини олиш бўйича олиб борган келишувлари ҳамда бюджетни мувозанатлаш учун қилган барча уринишлари натижа бермади [34].

2013 йил 30 июнда Муҳаммад Мурси президент бўлиб сайланганига 1 йил тўлиши муносабати билан уни тантанали нишонламоқчи эди. Вахоланки, бу пайтда унга қарши норозилик чиқишлари авж олган, “Тамарруд” (Исён) деб ном олган ёшлар ташкилоти Мурсининг истеъфосини талаб қилиб, 4 кун ичида 22,5 млн. имзо тўплаган эди [35]. Бу кампанияни Миллий қутқариш Фронтига бирлашган кенг муҳолифат қўллаб-қувватлади. 30 июнь куни Қоҳира, Искандария ва бошқа шаҳарларда миллионлаб кишилар Мурсининг истеъфосини талаб қилдилар, “Биродарлар”нинг жойлардаги идораларига ҳужумлар уюштирдилар. Бу кун Миср тарихида “сиёсий режимни танлаш қуроли кучлар танлаган позиция ҳамда унинг ҳаракатлари билан боғлиқлигига яна бир аниқ далил бўла олди” [36, Р.2]. 1 июль куни Миср ҳарбий раҳбарияти номидан Мудофаа вазири Абдулфаттоҳ ас-Сиси Президент Мурсидан 48 соат ичида мамлакатда осойишталик ўрнатишни талаб қилди. Президент Мурси бу талабни бажара олмач, 3 июль куни армия ҳокимиятни ўз қўлига олди ва “Мусулмон биродарлар” вакиллари ҳокимиятдан четлаштирди [37]. Кўплаб тарихчи ва сиёсатчи олимлар ҳамда ОАВ томонидан 2013 йил 3 июлда бошланган жараён ҳарбий тўнтариш дея баҳоланди. Бироқ бу “жараённи кенг халқ оммаси Мурси авторитаризми ва унинг мамлакат

ижтимоий ҳаётини тўлиқ исломлаштиришига қарши чиқишининг армия томонидан қувватланиши деб қарамоқ керак. Амалда ҳарбийлар Мисрда юз бериши мумкин бўлган қонли фуқаролик урушининг олдини олиб қолдилар” [38, Б.14-15], дея баҳоловчи мутахассислар ҳам йўқ эмас.

2013 йил декабрда Миср ҳукумати “Мусулмон биродарлар” уюшмасини расмийан террористик ташкилот деб эълон қилди. Буни қарангки, ҳокимиятдан четлаштирилган Муҳаммад Мурси ҳам худди Ҳусни Муборак сингари озодликдан маҳрум этилди[39]. 2015 йил апрелида Мурси Фаластиндаги ҲАМАС ва Ливандаги «Ҳизбуллоҳ» ташкилотлари билан алоқадорликда, 2011 йилги ва ундан кейинги оммавий тартибсизликларда, президентлиги вақтида намойишчиларни ҳибсга олиш ва қийноққа солишга буйруқ беришда айбдор деб топилди, ўлим жазосига ҳукм қилинади. Кейинроқ ҳукм умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосига ўзгартирилди. Узоқ давом этган суд жараёнлари собиқ президент соғлиғига қаттиқ таъсир кўрсатди ва Мурси 2019 йил 17 июнда Қоҳирадаги судда 67 ёшида вафот этди[40].

2014 йилда ўтказилган умумхалқ сайловларидан сўнг Мудофаа вазири лавозимида фаолият юритган генерал Абдулфаттоҳ ас-Сиси Миср Президенти этиб сайланди. 2018 йилги сайловдан кейин у яна бир муддатга лавозимда қолди. Халқаро кузатувчиларга кўра, давлат раҳбарияти катта ваъдалар берганига қарамай, кейинги уч-тўрт йилда оддий халқ ҳаёти хийла мураккаблашган. Сувайш каналини кенгайтириш, янги пойтахт барпо қилиш каби йирик лойиҳалар туфайли давлат газнасининг таги кўриниб қолди. Ҳукумат эса Халқаро валюта жамғармасидан катта қарз олишга мажбур бўлди. Бюджет тақчиллигини енгиллаштириш, ташқи қарзларни камайтириш учун аҳолига сув ва табиий газ бўйича белгиланган давлат дотацияси қисқартирилди. Шу билан бирга, қўшимча қиймат солиғи оширилди. Буларнинг бари ўзи шундоқ ҳам мураккаб бўлган иқтисодий вазиятни янада оғирлаштириб, халқ орасида норозилик кайфиятини кучайтирмоқда.

Президент ас-Сиси «Мусулмон биродарлар» ташкилотига қарши беаёв курашгани сабаб Форс кўрфазидаги подшоҳликлардан жуда катта молиявий ёрдам олгани маълум. Қўшниларининг саховатпешалигига жавобан Мисрнинг Қизил денгиздаги икки ороли Саудия Арабистонига тортиқ қилинди. Мамлакат ерларининг бошқа давлатга бериб юборилиши ҳам аҳоли орасида жиддий эътироз уйғотди. Қолаверса, мамлакатда барқарорлик таъмин этилмагани, террорчилик актлари тез-тез рўй бериб тургани ҳам амалдаги маъмуриятнинг обрўсига соя солмоқда.

Мисрда 2019 йил апрелда Конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича референдум бўлиб ўтди. Бунга кўра, давлат раҳбарининг ваколат муддати 4 йилдан 6 йилга узайтирилди. Қонунчиликдаги нозик ўзгартиришлар амалдаги давлат раҳбарига 2030 йилга қадар ушбу лавозимда қолиш имконини туҳфа этди. Шу боис ҳам аксар таҳлилчилар ўз ҳокимиятини мустақамлашга зўр бераётган Абдулфаттоҳ ас-Сиси Ҳусни Муборак изидан кетаётганлигини таъкидламоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет материаллари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – Б. 424. [Karimov I.A. Uzbekistan on the threshold of XXI century: threats to security, stability conditions and guarantees of success. – Т.: “Uzbekistan”, 1997. – P. 424.]

2. Тадқиқотда Араб-Исроил ибораси остида араб давлатлари ҳамда Исроил давлати кўзда тутилганлиги боис мазкур бирикма бош ҳарфлар билан ифодаланди.

3. Ўзбекистон-Миср ҳамкорлигида янги босқич бошланмоқда. [A new stage of Uzbek-Egyptian collaboration is starting]. // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-misr-amkorligida-yangi-bos-ich-boshlanmo-da-05-09-2018>.

4. Ахмедов В. Армия и проблемы демократизации на Арабском Востоке. [Akhmedov V. Army and the problems of democratization in the Arab East]. // <http://www.iimes.ru/rus/stat/2003/28-05-03b.htm>

5. Юрченко В. Армия и власть в Египте. Армия и власть на Ближнем Востоке: От авторитаризма к демократии (сборник статей). // Ин.-т изуч. Израиля и Бл. Востока. – М., 2002. – С. 7-8. [Yurchenko V. Army and Power in Egypt. Army and Power in the Middle East: From Authoritarianism to Democracy (collection of articles). // Institute for the Study of Israel and the Middle East. - М., 2002. – P. 7-8].

6. Примаков Е.М. Конфиденциально: Ближний Восток на сцене и за кулисами (вторая половина XX – начало XXI века). – М.: ИИК «Российская газета», 2006. – С. 10. [Primakov E.M. Confidential: Middle East on the stage and behind the curtains (second half of the 20th century - beginning of the 21st century). - М.: ИИК "Rossiyskaya Gazeta", 2006. – P. 10].

7. Куделев В. Роль армии в жизни Египта. Часть 1. [Kudelev V. The role of the army in the life of Egypt. Part 1].

8. // <http://bmpd.livejournal.com/558900.html>

9. Ёвқочев Ш. Ислом ва ҳозирги замон. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 110-112. [Yovkochev Sh. Islam and modernity. –Т.: Tashkent Islamic University Publishing Association, 2010. – P.110-112].

10. 1956-1970-йилларда Миср президенти.

11. Ахмедов В. Армия и проблемы демократизации на Арабском Востоке. [Akhmedov V. Army and the problems of democratization in the Arab East]. // <http://www.iimes.ru/rus/stat/2003/28-05-03b.htm>

12. Francis Tusa, "The Army and Egypt," Brassey's Defence Yearbook, 1989 (London: Brassey's, 1989), - P. 119.

13. Ahmed S. Hashim. The Egyptian Military, Part One: From the Ottomans through Sadat. Fall 2011, Volume XVIII, Number-3. // <http://www.mepc.org/journal/middle-east-policy-archives/egyptian-military-part-one-ottomans-through-sadat?print>

14. Анвар Садат - 1970-1981-йилларда Миср президенти.

15. Примаков Е.М. Конфиденциально: Ближний Восток на сцене и за кулисами (вторая половина XX – начало XXI века). – М.: ИИК «Российская газета», 2006. – С. 12. [Primakov E.M. Confidential: Middle East on the stage and behind the curtains (second half of the 20th century - beginning of the 21st century). - М.: ИИК "Rossiyskaya Gazeta", 2006. – P. 12].

16. Ёвқочев Ш. Жаҳон сиёсатида ислом омили. –Т.: ТДШИ, 2016. – Б. 127. [Yovkochev Sh. Islamic factor in world politics. –Т.: TSIOS, 2016. – P. 127.

17. 1973 йил октябрь уруши.

18. Ёвқочев Ш. Ислом ва ҳозирги замон. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 120. [Yovkochev Sh. Islam and modernity. –Т.: Tashkent Islamic University Publishing Association, 2010. – P. 120].

19. Муҳаммад Хусни Саййид Муборак - 1981-2011-йилларда Миср президенти.

20. Ахмедов В. Армия и проблемы демократизации на Арабском Востоке. [Akhmedov V. Army and the problems of democratization in the Arab East]. // <http://www.iimes.ru/rus/stat/2003/28-05-03b.htm>

21. Куделев В. Роль армии в жизни Египта. Часть 1. [Kudelev V. The role of the army in the life of Egypt. Part 1].

22. // <http://bmpd.livejournal.com/558900.html>

23. Царегородцева И. Исламисты в политике в Египте и Тунисе после «арабской весны». Islamology. Том 7. № 1, 2017. [Tsaregorodtseva I. The Islamists in politics in Egypt and Tunisia after “Arab Spring”. Islamology.

Volume 7. № 1, 2017]. // <http://islamology.in/journal/article/view/151>

24. Қаранг: Васильев А.М. Египет после выборов. Азия и Африка сегодня. № 4, 2012. – С. 3. [Vasiliev A.M. Egypt after the election. Asia and Africa today. №. 4, 2012. – P. 3].

25. Official results : 16 opposition, 424 NDP, 65 “independents”. // <http://english.ahram.org.eg/NewsContent/1/5/1321/Egypt/Egypt-Elections-/Official-results---opposition,--NDP,--independents.aspx>

26. Қаранг: Ҳасанов А. Мисрда “Ихвон муслимин”нинг ҳокимият тепасига келиши ва қулаши. Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий амалий конференция материаллари тўплами. ТДШИ, 2015. – Б. 11. [Khasanov A. The rise to power and the fall of “Ikhwan muslimin” in Egypt. Historical processes of foreign countries of the East and current problems of their study. Materials of the scientific-practical conference. TSIOS, 2015. –P. 11].

27. “Араб баҳори” деб 2011 йилда Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида тез шиддатларда юз берган сиёсий ўзгаришлар йиғиндисига айтиш мумкин. Батафсил қаранг: Комлева Н.А. «Арабская весна»: геополитический аспект / Н.А.Комлева // Известия Уральского федерального университета. Сер. 3, Общественные науки. — 2013. — № 2 (115). — С. 160. [Komleva N. A. “Arab Spring”: the geopolitical aspect / N. A. Komleva // Bulletin of the Ural Federal University. Ser. 3, Social Sciences. - 2013. - №. 2 (115). – P. 160].

28. Egypt unrest: Hosni Mubarak vows to quit after polls // <https://www.bbc.com/news/world-middle-east-12340923>

29. https://en.wikipedia.org/wiki/Gamal_Mubarak#cite_note-15

30. Куракин М. Пять лет без Мубарака. Египет в поисках собственного пути. [Kurakin M. Five years without Mubarak. Egypt in search of its own path]. // <https://lenta.ru/articles/2016/02/10/aftermoubarack/>

31. Васильев А.М. Египет после выборов. Азия и Африка сегодня. № 4, 2012. – С. 4. [Vasiliev A.M. Egypt after the election. Asia and Africa today. №. 4, 2012. – P. 4.

32. Мохаммед Мурси принес присягу президента Египта. [Mohammed Mursi takes the oath of the President of Egypt]. // https://www.bbc.com/russian/rolling_news/2012/06/120630_rn_egypt_morsi_sworn.shtml

33. Ҳасанов А. Мисрда “Ихвон муслимин”нинг ҳокимият тепасига келиши ва қулаши. Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий амалий конференция материаллари тўплами. ТДШИ, 2015. – Б. 13. [Khasanov A. The rise to power and the fall of “Ikhwan muslimin” in Egypt. Historical

processes of foreign countries of the East and current problems of their study. Materials of the scientific-practical conference. TSIOS, 2015. –P. 13].

34. Куракин М. Пять лет без Мубарака. Египет в поисках собственного пути. [Kurakin M. Five years without Mubarak. Egypt in search of its own path]. // <https://lenta.ru/articles/2016/02/10/aftermoubarack/>

35. Хроника переворота в Египте в 2013 году. [Chronicle of the coup in Egypt in 2013] // <https://ria.ru/20130704/947605181.html>

36. Васильев А.М. Египет после выборов. Азия и Африка сегодня. № 4, 2012. – С. 2. [Vasiliev A.M. Egypt after the election. Asia and Africa today. №. 4, 2012. – P. 2.

37. Революция в Египте: военная перезагрузка. [Egypt Revolution: Military Reloaded] // <https://ria.ru/20130704/947487407.html>

38. Батафсил қаранг: Ҳасанов А. Мисрда “Ихвон муслимин”нинг ҳокимият тепасига келиши ва қулаши. Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий амалий конференция материаллари тўплами. ТДШИ, 2015. – Б. 14-15. [Khasanov A. The rise to power and the fall of “Ikhwan muslimin” in Egypt. Historical processes of foreign countries of the East and current problems of their study. Materials of the scientific-practical conference. TSIOS, 2015. –P. 14-15].

39. Ҳусни Муборак бир неча йилдан бери 2011 йилда тинч намоёнлик иштирокчиларига қарши зўравонлик ва куч ишлатиб, тинч аҳолининг ўлимига алоқадорликда, давлат маблағларини ноқонуний ўзлаштириб, хорижга олиб чиқиб кетишда айбланиб, умрбод озодликдан маҳрум этилган эди. Бироқ ҳарбийлар ҳокимиятни қайта қўлга олгач, 2014 йилнинг ноябрида Муборак ва унинг ўғилларидан намоёнликчилар ўлими ва коррупция жиноятлари бўйича барча айбловлар олиб ташланади. Бу эса Миср аҳолисининг кескин норозилигига сабаб бўлади. 2017 йилда Миср Олий апелляция суди мамлакатнинг собиқ президентини оқлаш ҳақида ҳукм чиқаради.

40. Умер в суде: в Египте скончался экс-президент Мухаммед Мурси. [Died in court: ex-President Mohammed Mursi dies in Egypt]. // https://www.gazeta.ru/politics/2019/06/17_a_12421513.shtml

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. [Karimov I.A. Uzbekistan on the threshold of XXI century: threats to security, stability conditions and guarantees of success. – Т.: Uzbekistan, 1997].

2. Ўзбекистон-Миср ҳамкорлигида янги босқич бошланмоқда. [A new

stage of Uzbek-Egyptian collaboration is starting]. // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-misr-amkorligida-yangi-bos-ich-boshlanmo-da-05-09-2018>.

3. Ахмедов В. Армия и проблемы демократизации на Арабском Востоке. [Akhmedov V. Army and the problems of democratization in the Arab East]. // <http://www.iimes.ru/rus/stat/2003/28-05-03b.htm>

4. Юрченко В. Армия и власть в Египте. Армия и власть на Ближнем Востоке: От авторитаризма к демократии (сборник статей). // Ин.-т изуч. Израиля и Бл. Востока. – М., 2002. [Yurchenko V. Army and Power in Egypt. Army and Power in the Middle East: From Authoritarianism to Democracy (collection of articles). // Institute for the Study of Israel and the Middle East. - М., 2002].

5. Примаков Е.М. Конфиденциально: Ближний Восток на сцене и за кулисами (вторая половина XX – начало XXI века). – М.: ИИК «Российская газета», 2006. [Primakov E.M. Confidential: Middle East on the stage and behind the curtains (second half of the 20th century - beginning of the 21st century). - М.: ИИК "Rossiyskaya Gazeta", 2006.].

6. Куделев В. Роль армии в жизни Египта. Часть 1. [Kudelev V. The role of the army in the life of Egypt. Part 1]. // <http://bmpd.livejournal.com/558900.html>

7. Ёвқочев Ш. Ислом ва ҳозирги замон. –Т.: Тошкент ислом университети, 2010. [Yovkochev Sh. Islam and modernity. –Т.: Tashkent Islamic University Publishing Association, 2010].

8. Francis Tusa, "The Army and Egypt," Brassey's Defence Yearbook, 1989 (London: Brassey's, 1989).

9. Ahmed S. Hashim. The Egyptian Military, Part One: From the Ottomans through Sadat. Fall 2011, Volume XVIII, Number-3. // <http://www.mepc.org/journal/middle-east-policy-archives/egyptian-military-part-one-ottomans-through-sadat?print>

10. Ёвқочев Ш. Жаҳон сиёсатида ислом омили. –Т.: ТДШИ, 2016. [Yovkochev Sh. Islamic factor in world politics. –Т.: TSIOS, 2016.

11. Царегородцева И. Исламисты в политике в Египте и Тунисе после «арабской весны». Islamology. Том 7. № 1, 2017. [Tsaregorodtseva I. The Islamists in politics in Egypt and Tunisia after “Arab Spring”. Islamology. Volume 7. № 1, 2017]. // <http://islamology.in/journal/article/view/151>

12. Васильев А.М. Египет после выборов. Азия и Африка сегодня. № 4, 2012. [Vasiliev A.M. Egypt after the election. Asia and Africa today. №. 4, 2012].

13. Official results : 16 opposition, 424 NDP, 65 “independents”. // <http://english.ahram.org.eg/NewsContent/1/5/1321/Egypt/Egypt-Elections-Official-results---opposition,--NDP,--independents.aspx>

14. Ҳасанов А. Мисрда “Ихвон муслимин”нинг ҳокимият тепасига келиши ва кулаши. Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий амалий конференция материаллари тўплами. ТДШИ, 2015. [Khasanov A. The rise to power and the fall of “Ikhwan muslimin” in Egypt. Historical processes of foreign countries of the East and current problems of their study. Materials of the scientific-practical conference. TSIOS, 2015].

15. Egypt unrest: Hosni Mubarak vows to quit after polls // <https://www.bbc.com/news/world-middle-east-12340923>

16. https://en.wikipedia.org/wiki/Gamal_Mubarak#cite_note-15

17. Куракин М. Пять лет без Мубарака. Египет в поисках собственного пути. [Kurakin M. Five years without Mubarak. Egypt in search of its own path]. // <https://lenta.ru/articles/2016/02/10/aftermoubarack/>

18. Мохаммед Мурси принес присягу президента Египта. [Mohammed Mursi takes the oath of the President of Egypt]. // https://www.bbc.com/russian/rolling_news/2012/06/120630_rn_egypt_morsi_sworn.shtml

19. Хроника переворота в Египте в 2013 году. [Chronicle of the coup in Egypt in 2013] // <https://ria.ru/20130704/947605181.html>

20. Революция в Египте: военная перезагрузка. [Egypt Revolution: Military Reloaded] // <https://ria.ru/20130704/947487407.html>

21. Умер в суде: в Египте скончался экс-президент Мухаммед Мурси. [Died in court: ex-President Mohammed Mursi dies in Egypt]. // https://www.gazeta.ru/politics/2019/06/17_a_12421513.shtml